
ВИЛОЯТИМИЗ БОКСЧИЛАРИ ЛАЗИЗБЕК МУЛЛОЖОНОВ ҲАМДА АСАДХЎЖА МЎЙДИНХЎЖАЕВ ПАРИЖ ОЛИМПИАДАСИГА ЙЎЛЛАНМАНИ ҚЎЛГА КИРИТДИЛАР

3-11 март кунлари Италиянинг Бусто-Арсицио шаҳрида Париж-2024 Олимпия ўйинлари учун йўлланма берувчи бокс бўйича 1-жаҳон квалификациян турнири бўлиб ўтди. Мусобақада муваффақиятли иштирок этаётган Лазизбек Мулложонов ҳамда Асадхўжа Мўйдинхўжаев ҳал қилувчи беллашувларда рақиблари устидан ишончли ғалаба қозондилар.

-92 кг вазнда баҳс олиб борган Лазизбек Мулложонов ҳал қилувчи баҳсда грузиялик Георги Кушиташвилига қарши рингга кўтарилди ва 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

-71 кг вазнда рингга кўтарилган Асадхўжа Мўйдинхўжаев иорданиялик Зияд Ишайиш билан бўлиб ўтган якуний баҳсда қўли баланд келди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2024-03-12 12:14:46